



Ҳасан Басрий бир жаноза дафнида қатнашгандан кейин ўша қабр ёнида ўтириб шундай деди: «Охири шу бўладиган ишнинг аввалидан зоҳид бўлишга арзийди. Аввали шу бўлган ишнинг охиридан қўрқишга арзийди». Биринчи иборадаги «аввалидан» мурод дунё, кейинги иборадаги «Аввали»дан мурод қабр.

Дуо:

Илоҳим, бизга раҳм қил, қабримиз ювилиб, номимиз унутилиб,
зикримиз ўчиб кетганда...

Бизни бирон эсловчи эсламаганда...

Бизни бирон зиёратчи зиёрат қилмай қўйганда...

Илоҳим, раҳм қил, аҳлимиз бизни ювганларида...

Илоҳим, раҳм қил, улар бизни кафанлашганда...

Илоҳим, раҳм қил, улар бизни елкаларида кўтаришганда...

Кассета тез айланарди. Мен имомнинг дуосини иштиёқ ва диққат-эътибор билан тинглаб ўтирадим. Бу дуони икки марта қайтариб эшиздим. Унинг айтган гаплари ва қилган дуолари ҳаммаси ҳақ. Яқинда бизнинг ҳам ҳаётимиз тугайди, кейин ювиламиз, кафанланамиз ва ниҳоят ернинг тагида лаҳадга қўйиламиз, кейин бизнинг номимиз ҳам унутилади. Ўша хушуъ билан айтилган дуо мени бироз тўхтатиб қўйди. Мен яна кассетани учинчи бор қайтариб эшитаман...

Опам ниҳоятда ғайратли даъватчи қиз эди. У мени намозларга ва



бошқа ибодатларга доимо риоя қилишим учун ўзида бор куч, ғайрат ва имкониятлар, яхши сўз, кассеталар ва китоблар билан ҳаракат қиласарди.

Кунларнинг бирида, у мен билан бирга машинамда кетаётганимизда суҳбатлашиб қолдик ва машинадан тушмоқчи бўлиб турганимизда опам бир кассетани магнитафонга кўйди. Эртасига чиқиб, ўзим сезмаган ҳолда, одатий ҳаракат билан магнитофонни ишлатдим. Ваҳоланки, мен унда нима борлигини ҳам эслолмайман, лекин одатдагидек ўзим яхши кўрадиган хонанда аёлнинг қўшифини кутардим. Лекин Аллоҳ ўша имомнинг кассетаси бўлишини хоҳлади.

У кассетани ўша куни эрталаб эшитдим, кечқурун эшитдим ва хуфтондан кейин яна қайтариб эшитдим. Опамдан:

- Сен қанақа кассета кўйгандинг?- деб сўрадим
- Сенга ёқдими?- деди.
- Шубҳасиз,- дедим, унга.

Одатда мен ҳечам бундай хурсанд бўлиб жавоб бермасдим, у хурсанд бўлди. Қўлида китоб бор эди, уни ёнига қўйиб, қайта сўради:

- Имомнинг овози, қироати сенга ёқдими?

Мен унга:

- Ха,- дедим.

Бу жавоб узун суҳбатнинг муқаддимасига айланиб кетди. Бунақа

суҳбат кўп такрорланиб турарди, лекин бу сафар кўп ўзгариш бўлди.
Охирида у менга шундай деди:

- Мен сенга ҳозиргина ўқиган нарсамни ўқиб бераман:

“Ҳасан Басрий ўз дўстлари билан хоҳолашиб кулиб ўтирган йигитнинг
ёнидан ўтиб қолди ва унга айтди:

- Эй йигит, Сирот кўпригидан ўтиб бўлдингми?

- Йўқ.

- Жаннатга тушасанми ёки дўзахга, аник билдингми?

- Йўқ.

- Унда бу кулгининг боиси нима?!”

Биз бироз жим бўлиб қолдик. Кейин опам менга қараб, шундай деди:

- Қачонгача бу ғафлат?...